

МУСТАҚИЛЛИК

# ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИНING ГАЗЕТАСИ

1. ИЮНЬ

## ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



«Хуқуқ»да босилгандан сўнг

### «БИЗ НАҲОТКИ ҚАРЗДОРМИЗ?»

«Хуқуқ» юридик газетасининг 1999 йил 17-сонида чоп этилган «Биз наҳотки қарздормиз» номли мақолада кўрсатилган вазлар асосида Бўз туман прокуратураси томонидан «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида текшириш ўтказилди.

1997 йил 15 май куни «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги бошқарув ҳўйратининг собиқ раиси Р.Аслонов ва тумандаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси О.Умурзоқовлар ўртасида ҳўжаликнинг С.Гулмуродов бошлиқ 4-бригадаси ҳудудига эжилган 13 гектар пахта майдонини 9 нафар ўқитувчилардан тузилган ижара звеносига ижарага бериш ҳақида шартнома тузилган бўлиб, унда ўқитувчилар томонидан 39 тонна пахта етиштирилиши белгиланган.

1997 йилнинг охирида ижара жамоаси ҳар гектар ердан 31,8 центнердан жами 41386 кг. пахта етиштириб ҳўжаликка топширган.

Пахта сотишдан олинган пул даромади 909782 сўмни ташкил қилган бўлиб, ҳосил етиштириш учун кетган харажатлар чегириб ташланганида ижара жамоасининг ҳўжаликдаги ҳақи 98837 сўмни, 14-ўрта мактаб ўқувчиларининг иш ҳақлари бўйича берилмаган ҳақ 142989 сўмни ташкил қилган.

Текшириш давомида туман прокуратураси томонидан аниқ-

ланган қонунбузилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш ҳақида киритилган амрнома асосида ушбу сумма ҳўжалик томонидан маҳсулот шаклида тўланиши таъминланиб, ҳақдорларга 876 кг. ўсимлик ёғи берилиб, тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди.

«Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг собиқ раиси Р.Аслонов, собиқ бош ҳисобчиси С.Бурхонов ва собиқ иқтисодчиси Г.Гулматовлар томонидан ўз вазифаларини етарли даража-

да бажармаганликлари оқибатида ижара жамоаси ва ўқувчиларга иш ҳақлари ўз вақтида берилмаган. Шартномаларни тузишга лоқайдлик билан қараш натижасида маҳсулот етиштиришдан олинган даромадга нисбатан сарфланган харажатлар ошиб, ҳўжаликка 155920 сўм зарар етказилганлиги ҳисобга олинди, уларга нисбатан туман прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилди.

Н.ҚУРБОНОВ,  
Анджон вилоят  
прокурори ўринбосари.

• Ижро ва назорат

## ҲАВОГА СОВУРИЛГАН БОЙЛИК

ёхуд Сирдарё вилоят энергетика ва электрлаштириш бошқармасидаги қонунбузарликлар хусусида

Эшмамат БЕРДИМУРОДОВ,  
Сирдарё вилоят прокурори,  
адлия катта маслаҳатчиси.

Энергетика тизимини ҳаёти-мизнинг қон томирига қиёслаш мумкин. Бусиз тараққиёт бўлмайди. Шу боисдан ҳам энергетика ва электрлаштириш тармоқларининг мамлакат ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Уларнинг бир маромда фаолият кўрсатиши, муттасил ривожланиб бориши туб иқтисодий ислохотларнинг гаровидир.

Ҳўш, Сирдарё вилоят энергетика ва электрлаштириш бошқармаси, «Энергияназорат» инспекцияси бу вазифани қай даражада уйдаяпти? Бошқарма ва унинг жойлардаги тармоқларида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Республика Президентининг ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўлов интизомига риоя қилишга доир фармонлари талабларининг ижроси таъминланаяптими? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида вилоят прокуратураси умумий назорат тартибида текширишлар ўтказди.

Бошқарма ва «Энергияназорат» инспекцияси истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш, тўлов интизомига риоя қилиш борасида муайян ишларни амалга оширганлигини инкор қилмаймиз. Аммо кейинги пайтда бошқарма тармоқларида йўл қўйилган жиддий қонунбузарликлар, камчиликлар ва содир этилган жиноятлар бошқарманинг ютуқларига соя ташлаб турибди. Бундан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Тежалгани - нақд бойлик, деган нақл бор. Лекин кейинги пайтда бу соҳада ҳам тежамкорликка эътибор сусойиб кетди. Аслида бу - қонуннинг қатъий талаби. Уни бажармаслик эса жавобгарликни келтириб чиқаради. Биз текширишда шу ҳисоб билан алоҳида қизиқдик. Маълум бўлишича, «Энергияназорат» инспекцияси мутасаддилари тежамкорликни қонун талаб қилган усулда эмас, балки ғалати тарзда таъминлашга уринганлар. Ҳўш, улар қишлоқ ҳўжалиги экинларини сўғориш мавсуми якунида вилоят ҳудудидаги сув чиқарувчи 26 та насос станциясига ток берилишини узиб қўйиш йўли билан маълум миқдорда электр қувватини тежаб қолишга эришганлар. Аслида бунга тежамкорлик деб аташ ҳам ғалатидир. Чўнки сўғориш мавсуми якунлангач, насосларни ишлатишга зарурат ҳам қолмайди-да.

Энди қуйидаги далилларга эътибор беринг. «Энергияназорат» идорасида ўтказилган текширишда аниқланишича, қорхона, ташкилот ва хонадонларга 1998 йил давомида режадаги 6,67 фоиз ёки 40259,8 минг киловатт-соат ўрнига 13,8

(Давоми 2-бетда).

«ХАЛҚИНГГА  
МЕҲРИБОН  
БЎЛ...»

Сўхта  
«эвлия ота»нинг  
қилмиши про  
этлади

3 бет

УЙГА ҚАЙТИШ  
ФУРСАТИ ЕТДИ

«9 майни Хотира ва Қадрлаш  
қўни деб эълон қилиниши  
мўнасабати билан эминия  
тўғрисида»ги Фармонга  
шарҳ

4 бет

ХУҚУҚИЙ  
МАСЛАҲАТЛАР

Газетхонлардан келган  
мактўблар асосида  
максус саҳифа

6 бет

КЕЙИНГИ СОҢДА

Мустақилликнинг 8  
йиллиги олдида  
Тошкент шаҳар  
прокуратураси  
фаолиятига  
бағишланган  
туркум  
мақолалар.

Анжуман

## КЕНГАШГАНГА - КЕНГ ДУНЁ

Кейинги пайтларда олий ўқув юртлири ўртасида ёшлар дунёқорашини шакллантиришга бағишланган турли хил олимпиадалар, кўрик-танлов ва анжуманлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар талабаларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини пухта билишлари ҳамда келгусида малакали мутахассислар бўлиб етишишлари учун имкон яратмоқдаки, буни фақат қўллоб-қувватлаш керак.

Яқинда Республика Адлия вазирлигининг Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган ёш олимларнинг илмий-амалий анжумани ҳам катта аҳамият касб этди. Анжуман «Хуқуқшунослик фанларининг долзарб муаммолари» мавзусига бағишланиб, бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқ илми олдида турган энг муҳим вазифаларни муҳокама қилди.

Ушбу анжуманида ТДЮИ ректори, юридик фанлари доктори Х. Бобоев кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг биринчи бўлиб сўз Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Э. Абзаловга берилди. У «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда прокуратура идораларининг роли» ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, анжуманда ТДЮИ проректори, юридик фанлари доктори И.Каракетов «Криминология фанининг долзарб муаммолари», «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасининг мудири И.Зокиров «Бозор муносабатлари тизимида фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари» мавзусида маъруза қилдилар.

Маърузалар тугагач, тўрт гуруҳга бўлиниб, яъни давлат-ҳуқуқий, ҳўжалик-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, ижтимоий гуманитар йўналишлари бўйича шўба мажлислари ишга киришдилар. Унда ёш олимлардан «Фуқаролик жараёни» кафедраси аспиранти З.Эсонова, «Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи» кафедраси аспиранти А.Хамроев, «Жиноят жараёни» кафедраси аспиранти М.Халилова, «Жиноят ҳуқуқи» кафедраси аспирант-тадқиқотчиси Я.Абдуллаев ва бошқалар маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Халқимизда «Кенгашганга - кенг дунё» деган ажайиб ҳикматли сўз бор. Мана шу сўзнинг толиб айтилганини бўлиб ўтаётган тадбирлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Гулчеҳра Хўжанова,  
Тошкент Давлат юридик  
институти ўқитувчиси.

Тадбир

## ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Хоразм вилояти прокуратураси идоралари ходимларининг навбатдаги семинар машғулотини Хива туманлараро прокуратурасида бўлиб ўтди. Уни вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э.Жўраев олиб борди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Б.Бекмирзаев, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ишни ташкил қилиш ва ижро назоратини ташкиллаштириш ҳақида гапирди. Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси қонунларини мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази директори Ф.Раҳимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси прокурори Олим Абдуалимов Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимида иш юритиш йўриқномаси асосида прокуратура идораларида ишни ташкил этиш масалалари тўғрисида гапирдилар.

Семинар машғулотини жонли мулоқот ва ўзаро тажриба алмашув тарзида ўтди. Семинар иштирокчилари Хива туманлараро прокуратурасининг ибратли ишлари билан яқиндан танишдилар.

А.ОРТИКБОВ,  
(Ўз мухбиримиз).

Кенгаш

## ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ - ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тошкент вилояти ҳокимлиги мажлислар залида «Хуқуқий таълим ва хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг устивор масалалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Мазкур йўғилишда вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг муовинлари, суд, адлия, прокуратура, ички ишлар идораларининг раҳбарлари, адвокатлар коллежиясининг раислари, Хуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг бўлим ва бўлинма бошлиқлари, «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари раислари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги Маркази раҳбарлари, олий ва ўрта ўқув юртлири ректорлари ва директорлари, халқ таълими бўлими раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари органлари раҳбарлари иштирок этишди.

Конференцияни вилоят ҳокими У.Мирзақуллов

олиб борди. Конференцияда хуқуқий маърифат тарғиботи Маркази директори У. Бозоров, вилоят прокурорининг ўринбосари Х. Холиқов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Э. Холматов, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаевалар сўзга чиқиб, аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ва бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференция қизгин муҳокамалар тарзида ўтди.

(Йўғилишда айтилган фикрлар ва тақлифлар газетамизнинг кейинги сониди батафсил ёритилади).

М.БОЛЛЕВА.

(Давоми 2-бетда).

фоиз ёки 83550,4 минг кило-ватт-соат энергия ошқича сарфлаб юборилган. Йўқотилган энергияни пулга қақадан бўлсак, 109398,5 минг сўмини ташкил этади. Бундай ҳўжасизлик давлат хазинасига қанчалик катта зарар келтиришини таъсирли қилиш қийин эмас. Бироқ исрофгарчилик мутасадди раҳбарларни ташвишлантирмаётгани ажоблантириди.

Беаҳоз энергия ҳавога беҳуда совурилатган экан, бунинг сабабларини аниқлаш, қонунбузарликларни бартараф этиб, айбдорларга нисбатан тегишли қонуний чоралар қўриш уларнинг ҳам хизмат бурчи эмасми? Афсуски, назоратнинг сустлиги, талабчанлик ва қаттиққўллик етишмаслиги уларнинг ишига тушов бўлиб турибди.

Исрофгарчиликнинг сабабларидан бири кейинги пайтда хонадонларда энергиядан ўғирчи фойдаланиш кўпайиб бораётганлигига бориб тақалади. Мана бир мисол: вилоятда 610 та хонадон 229500 минг киловатт-соат электр энергиясидан ўғирчи фойдаланганлиги аниқланган. Исрофгарчиликнинг негизи шунда, эмасми? Бундай нур ўриларига нисбатан қатий чоралар қўриш пайти келмодаликини?

Айбдор аниқлансаю, унга ҳеч қандай чора кўрилмаса, ҳар қанча текширишнинг нафи бўлмайди. «Энергияназорат» инспекцияси текширишларининг кам самара бераётганининг сабабини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Чунончи, инспекция томонидан қорхона ва ташкилотларда энергиядан тежамсиз фойдаланганлиги бўйича тузилган далолатномалар, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар на судга, на прокуратурага тақдим қилинган. Бу қонунни билмасликми ёки масъулиятсизликми?

Исрофгарчилик, назорат ва талабчанлик йўқлиги ўзаро ҳисоб-китобларнинг издан чиқиб кетишига ҳам олиб келади. Президент фармонлари, тегишли қонунлар асосида тўлов интизоми мустаҳкамлаш учун барча чораларни қўриш қаттиқ талаб қилинаётган бир вақтда, бошқарманинг дебитор қарзларини

камайтириш борасидаги саъй-ҳаракати ҳам қутилган самарани бермаган. «Энергияназорат» инспекцияси ходимлари 1998 йилда туман ва шаҳар ҳудудидаги истеъмолчи қорхона ва ташкилотларнинг 1214 тасида 259 265,2 минг сўм миқдоридоги тўлов муддати 6 ойдан ўтган дебитор қарзлар борлигини аниқлашган. Текширишлардан сўнг 114 та қорхона ва ташкилотдан атиги 8412 минг сўмлик дебиторлик қарзлари ундириб олинган.

Сирдарё ГРЭСида ўтказилган текширишда эса қорхонанинг 1998 йил 1 декабр ҳолатига 7155406,5 минг сўм дебиторлик қарзлари борлиги аниқланган. Текшириш материаллари 1999 йил 5 январь санаси қўйилган хат билан Республика энергетика ва электрлаштириш вазирлигига юборилиб, қорхонанинг қарзларини камайтириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш сўралган. Республика Президентининг «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1996 йил 24 январьдаги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бу соҳода қатий тартиб ўрнатишни талаб қилаётганига қарамай, вазирлик мутасаддилари томонидан ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатилмаган, ҳатто жавоб хати ҳам йўланмаган. Бундай масъулиятсизлик муаммони чигаллаштиради, холос.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар муаммоси бошқарма ва унинг қарамоғидаги тармоқлар мутасадди раҳбарларини унчалик ташвишга солиётганлиги галатидир. Агар рақамларга мурожаат қилдикан бўлсак, аҳоил бирмунча жиддийлигини кўраимиз. Бошқарма ва унинг жойлардаги қорхоналарининг 1999 йил 1 январь ҳолатига дебиторлик қарзлари 686088,7 минг сўмини, шундан муддати ўтгани 259265,2 минг сўмини, кредиторлик қарзлари 552096,5 минг сўмини, шундан муддати ўтгани 43924 минг сўмини ташкил этган. Бу рақамларни 1998 йилнинг 1 январь ҳолати кўрсаткичлари билан таққослайдиган бўлсак, қарзлар миқдори яққол ўсганлигини кўраимиз. Тўғри, қарзларни камайтириш чорасини кўрмаганлиги учун бошқарма бошлиғи А.Кўчқоров, бош ҳисобчиси З. Мансуровага нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди. Бундай қонунбузилиш ҳолатлари Ховос, Меҳнатобод, «Оқ олтин» ва Сайхунбод туманлари электр тармоқларида ҳам ҳўкм сурган. Айбдор шахсларга нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилгани ишининг бир қисми, холос. Мутасаддилар бундан буён қонуннинг талаби қаттиқ бўлишини ҳор доим эсда тутишлари керак.

Муаммоли вазиятдан чиқиб қонуний йўлдан бориш ўрнига, баъзи қорхоналарда тарифларни нотўғри қўллаган

ҳолда истеъмолчиларни ҳўв туширишга уринишлар бўлганлигига нима дейсиз?! Шароф Рашидов туман электр тармоқлари қорхонаси бошлиғи М. Хидиров ва абонент бўлими муҳандиси Б.Туратов ҳудди шундай гайриқонуний усулни қўлланганлар. Уларнинг устамонлигидан туман ҳудудидаги 48-МПКМ ташкилоти раҳбарлари 73574 сўмлик ошқича ҳақни қандай қилиб қорхонага ўтказиб берганликларини билмай қолдиши. Боёв туман электр қорхонаси бошлиғи Б.Қодиров ҳам 1-қурилиш қорхонаси мутасаддилари анойилигидан усталлик билан фойдаланган. Электр қуввати нархини ошқича ҳисоб-китоб қилиш йўли билан истеъмолчидан 231790 сўм асоссиз даромад олинган.

Хар икки ҳолатда ҳам етказилган зарарни ундириб олиш учун қонуний чоралар қўрилади. Аммо бошқарма ва унинг жойлардаги электр тармоқлари раҳбар ва масъул ходимлари орасида ҳам қонун талабларини етарли даражада бажармаслик, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, давлат мулкани талон-торож этиш, таъма-гирликкача бориб етиш каби жиноятлар ҳам содир этилганлиги кишини ўйлантиради.

Бошқарманинг транспорт бўлими бошлиғи Б.Очилов давлат мулкани кўз қорачиғидек асраш ўрнига, шахсий манфаати йўлида унга кўз олайтирди. У Ховос туман электр қорхонаси бошлиғи Р.Аъзамов билан тил бириктириб жиноятга қўл урди. Туман электр қорхонаси ҳисобидида турган нархи 890 минг сўмлик трансформатор қурилмасини автоуловда ноқонуний равишда, ҳеч қандай ҳўжжатсиз Қозғистонга олиб чиқиб кетаётганда иккови ҳам қўлга олинди.

Вилоят прокуратураси бошқармада моддий товар бойлиқларини текширишдан ўтказганида бошқа жиноий кирдикорлар ҳам очилиб қолди. Транспорт бўлими бошлиғи Б.Очилов 1997 йил декабрда ўз номига берилган 1246-сонли ишонч қозғистон асосан Тошкент шаҳридаги «Спецэком» хўсусий фирмасидан жами 2 миллион сўмлик автошиналарни қабул қилиб олган. У автошиналардан 20 донасини омбор мудири В.Бегичевга топширган, қолган 44 дона автошиналарни Бегичев қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги юк хатига имзо қўйиб берган. Текширишдан сўнг қорхона моддий жавобгар шахслари томонидан мулкни талон-торож қилиш йўли билан қорхонага жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилганлиги аниқланди ва ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Сабабсиз оқибат бўлмайди. Қонун бузилар экан, демак, сабаблари бор. Бошқарма фаолиятидаги қонунбузарликлар ҳўсусида сўз юритганда уларнинг баъзи сабабларига тўхтадик, холос. Хўлоса шуки, бошқарма раҳбарлари бунгунги туб ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларини чуқур таҳлил этиб, ишда кескин бурилиш яшаш чораларини кўришлари лозим.



● Давлат ва дин

- Учқудуқлик «авлиё ота»
- Қурол тутган диндорлар
- Ёвузлар таҳдидига барҳам берилди

- Бахриддин Рўзиевич, суҳбатимизни мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан бўлган виждон эркинлиги кафолатларидан бошласак.

- Маълумки, республикаимиз кўп миллатли давлат ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда 120 га яқин миллат ва элат вакиллари яшаб келмақдалар. Ва айни пайтда, шаҳар-тумонларда ўн бешдан ортиқ диний конфессия вакиллари ҳам истиқомат қилиб, ўз тоат-ибодатларини адо этмақдаларки, Конституциямизда қайд этилганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган. Хар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг инсоннинг ҳам, у яшаётган жамиятининг ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб бориши учун кенг йўл очиб берилди. Маънавий йуриқлар ва айниқса, виждон эркинлиги билан боғлиқ йуриқномалар ўзгарди, мухтасар бўлди, мукамаллашди. Бунинг натижаси ўлароқ, янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

- Ушбу Қонуннинг мазмуни ва вилоят ҳудудида қандай амал қилаётгани ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

- Қонуннинг мақсад-моҳияти хар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний-эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат. Ушбу Қонуннинг 8-моддасига қўра, фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлаш-

малари, яъни диний жамиятлар, диний ўқув юртлири, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва шу қабилар диний ташкилотлар, деб эътироф этилади. Бундай ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тулган ва мамлакатимиз ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади. Диний ташкилотлар Адлия вазирлиги ёки унинг

ли, эътиқодли, пок, ахлоқий жиҳатдан етук ва баркамол, инсонпарвар бўлиб етишишлари учун фаолият олиб боришлари лозим.

- Ҳеч қандай диний маълумотга эга бўлмаган, айрим кимсаларнинг қонунга хилоф равишда диний ташкилотлар тузиб, фаолият олиб боришгани ҳам сир эмас.

- Вилоятимизда ҳам атрофига фуқароларни тўплаб олиб, алдаб, муқаддас динни ўзича таъқин қилиб, ноқонуний равишда фаолият кўрсатган чопамуллар борлиги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг соъй-ҳаракатлари натижасида маълум бўлди. Ана шундайлар-

адабиётлари ва видео тасмаларини яширин равишда олиб туриб, уни фуқаролар ўртасида тарғиб қилган. Бундан тўпланган хайриянинг бир қисми Санкт-Петербург шаҳрига жўнатиб турилган, иккинчи қисми эса, ташкилот эҳтиёжлари учун сарфланган.

Сохта «авлиё отанинг» қилмишлари фож этилиб, тергов ҳужжатлари судга ҳавола этилди.

- Бахриддин Рўзиевич, ҳалисана тап олиш керакки, дин ниқоби остида, муқаддас исломга шак келтириб, халқимизни танлаган ягона тўғри йўлдан қайтаришга уришган қора қучлар, экстремист-

- Шу айтганларингизга илова қилиб, аниқлик киратишнинг иложи борми?

- Албатта, мана бир мисол: Хатирчи туманидаги Майдонсой қишлоғида истиқомат қилувчи, бир нафар фарзанднинг отаси, ҳеч қаварда ишламайдиган, 25 ёшли Абдурасул Ойдинов ўз ёшлик ғойратини мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек шарафли ишга сарфламастан, тузлиққа тупуриб, Тошкент шаҳрига ўқий бохонаси билан чиқиб кетади ва «Хизбут-таҳрир» экстремистки гурӯҳига аъзо бўлиб берилади. Гурӯҳ томонидан чоп этилган, жамиятимиз, халқимиз манфаатларига қар-

# «ХАЛҚИНГА МЕҲРИБОН БЎЛ...»

**Навоий вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Б.ЭРГАШЕВ билан суҳбат.**



террорчилар борлиги аён бўлиб, бунга 16 феврал куни Тошкентда бўлиб ўтган воқеалар кўрсатиб берди. Айтишгичи, вилоятда ана шундай оқимга кириб қолган шахсларни аниқлаш, уларнинг кирдиқорларини фож этиш ишлари қандай олиб борилмақда?

ши бўлган адабиётларни, турли варақаларни ўрганиб, кейин эса бошқаларга тарғиб қилади.

Унинг ҳамқишлоғи ва тенгдоши бўлган Абдумутал Мўминов ҳам «Хизбут-таҳрир»га муқосидан берилганлардан. У ўз уйда диний экстремизмга тааллуқли «Хатари тушунчалар», «Ал-Вобъ», «Ислоом низоми», «Иззот ва шараф» ва бошқа шу мазмун-моҳиятдаги китобларни сақлаб келиб, бу қўлланмаларда баён қилинган, Конституциямизга хилоф равишда давлат ҳокимиятини ва бошқарувини ўзгартириш, давлат тўнтаролини амалга оширишга қаратилган диний-сиёсий ғояларни аҳоли ўртасида фаол тарғиб қилганлиги маълум бўлди. Айни пайтда ушбу ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Ёки, Навоий шаҳрида яшаган шахслар Ф.У., О.Н., С.И. сингари кўрнамалар ва шерикларининг жиноий қилмишларига ҳам барҳам берилди. Бу кимсалар уюшган жиноий гурӯҳ тузиб, мустақил давлатимиз маъмурий-ҳудудий тузлиқини, қонуний ҳокимияти ва бошқарув органлар тизимини зўравонлик билан ағдариб ташлаш, ҳокимиятни босиб олиш ва ислом давлатини барпо этишга қаратилган ҳаракатларини амалга оширишни аниқ белгилаб олганлар. Тинтув вақтида ислом давлатини барпо этишни тарғиб қилувчи аудио-видео кассеталар олинган. Уларга нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, ҳозир тергов олиб борилмақда.

Президентимиз таъкидлаганидек, танлаган йўлимиздан бизни ҳеч қим қайтара олмайди, мустақиллигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга таҳдид солувчи хар қандай кучнинг пайини қирқишга қўрбимиз етати. Зеро, иймонини сотган, ҳалқи, ватанига хиёнат қилиш йўлига қирган хар қимсани Аллоҳ Таоло ҳам кечирмайди.

Донолар айтиб қолдирган «Ҳамиша халқинга меҳрибон бўлгил, яхшиликка тириш ва омон бўлгил», деган ҳикмат барчага бир умр ўғит бўлиши керак.

Тошўлат ФАЙЗУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

жойлардаги органлари томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейингина юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қарорига асосан, вилоят бўйича жами 38 та турли динга мансуб ташкилот рўйхатга олинган бўлиб, улар тегишли ҳудудларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулардан 33 таси ислом, 5 таси эса христиан динига мансубдир.

Бу диний ташкилотлар ўз жамоа аъзоларини муқаддас Қуръони Карим ва Инжилда таъкидлаб ўтилганидек, иймон-

дан бири учқудуқлик, Навоий тоғ-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси ишчиси, 32 ёшли «авлиё ота» ниқоби остидаги Сергей Бразгин ноқонуний диний тарғиботи учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамастан, шаҳардаги хонадонлардан бирини жиҳозлаб, фуқароларга насронийликдаги «Иеговлар шоҳидлари» диний оқими бўйича қонунга зид тарзда таълим бериб юрган. Расмий рўйхатдан ўтказилмаган бу ташкилотда катталар билан бирга ёшлар ва ўсимирлар ҳам бўлиб, улар замонамиз, жамиятимиз манфаатлари учун ёт бўлган «килл»лардан сабоқ олишган. С.Бразгин «Иеговлар шоҳидлари» диний ташкилоти

- Юртимиз озодлигини жўшқин қуйлаб ўтган олим ва шоир Абдурауф Фитрат шеърларидан бирида: «Ватан - менинг жону таним, саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, иззатим, шарафим, Қабсам, қиблом ҳамда гулистонимдир», дейди. Аммо, ана шу гўлгун она юрт қўйнида унинг неъматларидан баҳраманд бўлатуриб мустақиллигимизга пўтур етказишга уринлардан бирини жиҳозлаб, фуқароларнинг орамизда борлиги жуда афсусланарли ҳол сифатида уларга нисбатан нафрат ўтини ўйғотмасдан қўйилмайди. Таъкидлаш жоизки, вилоят прокуратураси ҳамда барча ҳужуки муҳофиза қилувчи идораларнинг ҳамкорликда олиб бораётган кенг қамровли тадбирлари натижасида экстремизмга мойил, «Хизбут-таҳрир» ва шунга ўхшаган реакция, хуфёна фаолият юргизаётган диний-сиёсий ташкилот таъсирига тушиб қилиб, конституциявий давлат тузумимизга қарши ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этган шахслар аниқланди. Улардан турли диний адабиёт ва қўлланмалар, варақалар, 8 та ўк отар қурол, 264 дона патрон, 51 килограмм портловчи моддалар олинди. Ушбу ҳолатлар бўйича 18 та жиноий, 13 та маъмурий иш қўзғатилиб, 17 нафар шахс қамоққа олинди, 116 шахс расмий равишда огоҳлантирилиб, 10 нафар шахсга маъмурий қамок жазоси қўлланилди, ўнлаб фуқаролар гуноҳидан кечини сўраб, аризо билан мурожаат қилган ҳолда ўзларидоги китобларни ҳуқуқ-тартибот идораларига топширишди.

Бундай тавба-тазарру қилган шахсларнинг гуноҳидан ўтилди.



Суратда: Мустақиллик туғайли Имом ал-Бухорий зейратеги ана шундай табарруқ масканга айланди.

## • Мутахассис шарҳи

Жиноятчини жазолашдан кўра, уни тарбиялаш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этган ҳолда жамиятга қайтариш барча учун бирдек манфаатли экани республика мустақиллигининг дастлабки кунлардан эътироф этилди. Ҳар бир адашган жамият аъзосига тўғри йўл танилаши, ҳаётини изга солиш учун имконият бериб, бир сафда юришга кўмаклашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақиллик эълон қилиниши билан биринчи амнистияга имзо чекилди. Бу мустақил давлатнинг инсонпарварлик йўлини танилашдан илк нишона эди.

«9 майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармон тўққизинчиси бўлди.

Мазкур фармоннинг ижросини қонун доирасида таъминлаш борасида прокуратура идоралари зиммасига ҳам муайян вазифалар юклатилган. Биз тегишли маҳкамалар билан ҳамкорликда фармон талабларини бажариш юзасидан тадбирлар белгилаб, амалий ишларни бошладик.

Маълумки, фармон матбуотда эълон қилинган кундан тўрт

Фармоннинг 2-моддасида уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар жазодан озод этилиши назарда тутилган.

Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини (3-модда), биринчи марта ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва камида ярмини ўтаган шахслар



Алиқул ХАЙРУЛЛАЕВ,  
Тошкент вилоят  
прокурорининг катта  
ёрдамчиси, адлия кичик  
маслаҳатчиси.

маҳрум қилинганларга ўчдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ярмига, қасддан содир этган жинояти учун ўн

# УЙГА ҚАЙТИШ ФУРСАТИ ЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

ой давомида жазони ижро этувчи, суриштирув ва дастлабки тергов, ички ишлар органлари, судлар ҳамда интизомий қисм командирлари томонидан у кунга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга қўлланилади. Амнистия масаласи судда кўрилади. Ҳамда прокурор иштирок таъминланган. Бошқа вазифали органларнинг шу масалага доир қарорлари прокурор томонидан санкцияланганда маҳкумларга давлатимизнинг инсонпарварлик тамойиллари ўқитирилиб, келгусида ғайриқонуний ҳаракатлар содир этмаслик тўғрисида оғоҳлантирилмоқда. Донишманд халқимиз кўр хассасини бир марта йўқотади, дейди. Назаримда, озодликка чиқарилаётган маҳкумлар бу ҳикматнинг маъносини англашлари учун фурсат етди. Амнистия қўлланган ҳар бир шахс атрофда терон назор билан боқишга одатланиши, келажақ ҳаётида тўғри йўл танилаши лозим.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, Чернобыль АЭС-идаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этганлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли, шунингдек 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорларида қайд этилган шахслар, ёшидан қатъий назор, аёллар ва 1939 йил 4 майгача туғилган эркаклар, фармон кунга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар, вояга етмаганлар, миллий паспортлари ёки уларни маълум бир мамлакат фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган чет эл фуқаролари фармоннинг 1-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилинадилар.

(4-модда) ҳам жазодан озод этиладилар.

Фармоннинг 5-моддасида эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар озод қилиниши белгиланган. Бу модда таъсир доирасига эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятларидан ташқари қасддан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар кирмоқди.

6-моддада мувофиқ фармон қонуний кучга киргунга қадар Жиноят Кодексининг 73, 74, 89 ва 90-моддаларига кўра жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод этилади. ЖКнинг 74, 89-моддалари таъсир доирасига тушувчи шахсларга нисбатан белгиланган жазонинг ўталмай қолган муддати уларнинг иш ҳақидан 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилади. Бундай қарор жазони ижро этувчи муассаса бошлиғи томонидан чиқарилади ва у прокурор томонидан санкцияланади.

Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колониаларга ўтказилиши 7-моддага мувофиқ амалга оширилади.

Фармоннинг 8-моддасида 1-моддада қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий ҳовфи катта бўлмағи, қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилди.

Мазкур фармоннинг 9-моддаси талабларига кўра, қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан

маҳрум қилинганларга ўчдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ярмига, қасддан содир этган жинояти учун ўн

йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга тўртдан бир қисмга қисқартирилади. Бу моддага мувофиқ жазо муддатини аввалги қисқартиришлари ҳисобга олинган ҳолда, ўташ учун қолган қисми қисқартирилади.

Жиноят Кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244-1, 247-моддаси 2,3-қисмлари ва 248-моддаси, 2,3-қисмларида кўзда тутилган жиноятлари содир этган шахсларга нисбатан мазкур модда қўлланилмоқди.

10-моддада фармоннинг 1-4, 6 ва 8-моддалари қўлланилмайди. Ҳамда маҳкумлар белгилаб берилган. Булар ўта оғир жиноятлари учун ҳукм қилинганлар, ўта ҳовфли рецидивист деб топилганлар, ЖКнинг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 244-1, 246-моддаси 2-қисми, 247-моддаси 2,3-қисмлари, 248-моддаси 2,3-қисмлари, 270-моддаси 3-қисми, 271-моддаси 3-қисми, 272-273-моддаларида кўрсатилган жиноятлари содир этганлар, уюшган гуруҳ таркибиде ёки унинг манфаатларини кўзлаб ёхуд жиноий уюшма таркибиде содир этган жиноятлар учун ҳукм қилинганлардир. ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми «а», «в» банди билан судланганлар, ЖКнинг 272-273-моддаларида кўрсатилган жиноятлари содир қилинган чет эл фуқаролари, шунингдек биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно.

Фармон жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган, яъни фармон эълон қилинганга қадар амал қилиш муддати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган икки ва ундан ортиқ интизомий жазога эга бўлган шахсларга, шунингдек, илгари амнистия ёки авф этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга таъбиқ этилмоқди.



## • Ҳуқуқшунослар, сизлар учун

Ўтган давр мобайнида республикамиз иқтисодийётида, ҳусусан унинг муҳим тармоғи - қишлоқ ҳўжалигида катта ўзгаришлар юз берди. Бу соҳада юз берган ҳамда уни янада чўқурлаштиришга қаратилган қонунлар, Президент фармон-

## ҚОНУНЛАР

рини ҳам кўрсатган эдилар. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил биринчи ярми якунига бағиш-

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги Вазирилик томонидан тайёрланган икки жилддан иборат «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чўқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳўжатлар тўплами» «Шарҳ» нашриёт - матбаа концернида чоп этилди.



лари ва ҳукумат қарорлари, бошқа меъёрий ҳўжатлар бу борадаги фаолиятимизнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Мустақиллигимиздан сўнг иқтисодийётни, жумладан, қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислох қилиш бўйича бир қатор дастурлар қабул қилинди. 1998 йилдан бошлаб қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чўқурлаштириш республика комиссияси фаолият кўрсата бошлади. У қишлоқ ҳўжалиги бошқарув тизимини ўзгартирган ҳолда ҳўжалик юртишининг янгича услуга ўтиш, қишлоқда ҳақиқий мулкдор синфини шакллантиришни ташкиллаштиришга киришди. Бу жараёнини ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунлар тарзида яратилди.

Улар қабул қилинишида йўлбошчимиз Ислам Каримов «...Биз мана шу қонунларни амалга ошироқчи бўлсак, саморасини кўроқчи бўлсак, ҳўйларда уларни тарғиб қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим. Токи, бу қонунлар бизга нима беради, деган масала ҳар бир одамнинг онгига етиб борсин», деб қатъий берган эдилар ҳамда қонун ва меъёрий ҳўжатларни бевосита жойларга, қўйи бўғинларга, ўқувчиларга тезроқ етказиб беришни таъминлаш ишларини ташкиллаштириш йўлла-

ланган йўғилишида қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чўқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳўжатларни минтақаларга ва ҳўжаликларга етказилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш ҳамда уларни рўёбга чиқоришда амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси қўйилганлигини хабардоримиз. Зеро, қонунни писанд қилмасликка барҳам бериш, аҳолини, ҳусусан, қишлоқ меҳнатқашларининг ҳуқуқий моданиятини ошириш, ҳуқуқий ахборотларнинг жойларга тезроқ етиб боришини таъминлаш, қонунлар, меъёрий ҳўжатларни давлат тилида ҳар бир фуқарога тушунарли қилиб етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Тўпلامнинг биринчи жилди қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чўқурлаштиришга оид «Сўзбоши» билан бошланади. Унда қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар таҳлил қилинади. Мамлакат иқтисодийётида агрор секторнинг туган ўрни бекиёс бўлганлиги туфайли қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш долзарб вазифа эканлиги таъкидланади.

Тўпламда шунингдек, «Сув ва сувдан фойдаланиш», «Ижара», «Гаров», «Ветеринария», «Наслчилик», «Уруғчилик», «Селекция йўқлари тўғрисида»ги қонунлари, Меҳнат Кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «Ис-

## • Ташаббус

# ҲУҚУҚ ДОРЛФУНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонда қабул қилинаётган қонунлар, Фармонлар ва Ҳукумат қарорларини ҳалқ оmmasига етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масала эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Мамлакатимиз Президентини томонидан қўйилган бу муҳим вазифани бажаришда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини кўтаришга, қонунларнинг бевосита ижро-

сини таъминлашга масъул бўлган ҳодимларнинг, айниқса ўрта бўғин ҳодимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу сабабли ҳам Шахрихон





# ХУКУКИЙ МАСЛАХАТЛАР



1994 йили турмуш ўртоғим билан қонуний равишда ажрашдик, болаларимни эса суд иккитасини менга, иккитасини унга берди. Ҳозирда турмуш ўртоғим уйланган ва бир нафар фарзанди бор.

Болаларимнинг қолган иккитасини ҳам менга беришларини сўраб судга мурожаат этдим. Лекин болаларимни олиб беришмади. Нима қилиш мумкин?

С.Шринова,  
Каттақўрғон тумани,  
Мойбулоқ жамоа ҳўжалиги.

Суд эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатларини бекор қилиш чоғида вояга етмаган болалар ота-онанинг қайси бири билан яшашини аниқлайди. Бунда суд вояга етмаган болаларнинг нормал ўсиши ва ҳар томонлама тўлиқ таъминот олиш ҳижатларини ҳисобга олганидан сўнг бир қарорга келади.

Агар, сизнинг қолган икки фарзандингизни лозим даражада таъминлаш,

тарбиялаш ва уларнинг нормал ўсиши учун зорур шарт-шароитингиз мавжуд бўлса, шунингдек фарзандларингизнинг ўғай она қўлида қолиши уларга салбий таъсир қилаётганиги ва юқорида зикр этилган омиллар лозим даражада эмас, дейишга етарли асосларингиз бўлса, ана шуларни кўрсатиб судга мурожаат этишингиз лозим. Шунингдек, бу масалани ҳал этишда васийлик ва ҳомийлик органи ёрдам бериши мумкин.



Мен 11 нафар фарзанднинг онасиман, 25 йилдан буён мактаб-интернатда ўқитувчи-тарбиячи бўлиб ишлаб келмоқдам. Биз бутун оиламиз билан шу интернатга қарашли бўлган авария ҳолатидаги уйда яшаб келмоқдамиз. Бошқа бошпанамиз йўқ. Мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб, яшаб турган уйимизни хусусийлаштириб ололмадим. Уни хусусийлаштириб олишим мумкинми?

Оиламиз моддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғинига моддий ёрдам сўраб мурожаат этганимда «Сенга ҳам ёрдам пули керакми?» дейишди.

Оиламиздаги моддий қийинчиликларга қарамасдан бирон марта ҳам моддий ёрдам пули олганим йўқ. Мен қандай ижтимоий ёрдам олишим мумкин?

Ҳозир ёшим 44 да, педагогик стажим 25 йил. Мен айни пайтда пенсияга чиқишим мумкинми? Коммунал хизматларда, транспортда, дам олиш кунлари бўйича бизга қандай имтиёзлар белгиланган?

Жамила Шаймонова  
Қашқадарё вилояти,  
Чирокчи тумани.

Давлат уй-жой фонди таркибидаги уйларида ижара шартномаси асосида яшаб келган фуқароларга, яъни педагог ходимлар тоифасига кирувчи фуқароларга уй-жойни хусусийлаштириш текинга бериш йўли билан амалга оширилади.

Лекин сиз ҳозир яшаб турган уй мактаб-интернатнинг умумий ётоқхонаси ёки хизмат квартираси, хонаси (уйи) сифатида эътибор этилган бўлса, унда ушбу уй хусусийлаштириш объекти бўла олмайди.

Агарда, уй юқорида айтиб ўтилган ҳолатларга тааллуқли бўлмаса, ўзингиз истиқомат қилаётган жойдаги давлат уй-жой тасарруфиди бўлган туман (шаҳар) ҳокимига, ўзингиз ишлаётган ташкилот маъмуриятига ариза беришингиз керак. Ариза узоғи билан икки ой ичида кўрилади.

Ёки туман ҳокимига уй-жой беришни сўраб мурожаат этишингиз мумкин. Ижтимоий ҳимояга муҳтожлигингизни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳузурида оқиқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фонди ташкил этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни муқойиштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори ўн олти ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлашни белгилайди. Унга асосан тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 175 фоизи миқдориди нафақа тўланади. Нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади. Ушбу муддат тугагач, янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш мумкин. (Ариза яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг раиси номига берилади).

Энди сизнинг пенсияга чиқиш тўғрисидаги саволингизга келадиган бўлса, беш ва ундан ортқ фарзанд тўққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар - болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажы камида 20 йил бўлса, ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажы камида ўн беш йил бўлса, умумий белгиланган ёшни беш йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин.

Бундан ташқари, «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни бўйича пенсияга чиқиш учун белгиланган умумий ёш бир йилга қисқартирилади.

Демак, сиз 49 ёшингизда имтиёзли тартибда пенсияга чиқишингиз мумкин.



Нима қилишга ҳам қизимиз бор. Агар уни ҳозир судга ҳайронман. Турмуш ўртоғим 1997 йили ишдан бўшади ва шу йили 5 декабрь кунини ишлайман деб чиқиб кетиб, 1998 йил октябрь ойида кириб келди-да, сен билан яшмайман, ажрашамиз, деди.

Ишлайдиган одам алиментни қандай тўлайди?

Дилфуза Ю.,  
Тошкент шаҳри.

Бизнинг икки нафар ўғил ва битта

Вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга ота-она таъминот бериши шарт бўлиб, улар тенг мажбуриятларга эгадирлар. Шундай экан, сизнинг турмуш ўртоғингиз ишлайдими ёки йўқми ўз фарзандларини таъминлаши шарт.

Агар ушбу ҳолатда ихтиёрий равишда таъминот бериш ҳақида келишувга эришилмаган бўлса, қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво кўзғатиш йўли билан суд орқали ҳал этиш лозим.

Оила Кодексининг талабига мувофиқ давдоғор оилани сақлаб қолиш мақсадида ёки бошқа уэрли сабаблар билан ўз вақтида даъво тақдим этмаганлиги суд томонидан ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланса, иш ҳолатларига қараб суд, ўтган вақт учун (уч йилдан ортқ бўлмаган муддатга) алимент ундириш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Агар турмуш ўртоғингиз расмий иш ҳақига эга бўлмаса, алимент унинг пул ёки натура тарзида олаётган барча турдаги даромадларидан ушлаб қолинади. Бу маблағлар етарли бўлмаса, қонун бўйича ундириш мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкка қаратилади.

Яна бир ҳолат - алимент тўлаши шарт бўлган шахс ўтган давр мобайнида умуман ҳеч қандай иш ҳақи ёки даромадини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этмаган бўлса, алимент қарзи энг кам ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади.



Кейинги пайтларда амнистия ва авф этиш деган ибора оммавий ахборот воситалари орқали кўп қўлланилмоқда. Лекин баъзан амнистия сўзи авф этиш ёки авф этиш амнистия сўзи билан алмаштириб ишлатилмоқда. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам бир маънони англатадими ёки фарқи борми?

Ф.Шарипов,  
Самарқанд вилояти Оқдарё тумани.

Амнистия грекча «Amnestia» - кечириш, сўзидан олинган бўлиб, жиноят содир этган шахсларни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёки суд томонидан белгиланган жазони енгилроғи билан алмаштиришни билдиради. Шунингдек, амнистия аввал жазони ўтаб қойган шахслардан судланганликни олиб ташлашни ҳам кўзда туттади. Айрим ҳолларда эса ноҳўя хатти-ҳаракат содир этган шахсларга маъмурий ёки интизомий тартибда белгиланган жазо чораларидан озод қилишга ҳам қаратилган бўлиши мумкин.

Амнистия умумий (амнистия актида кўзда тутилган, ЖКнинг маълум моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганларга қўлланилиши) ёки қисман, яъни айрим шахсларга тегишли (авф этиш шаклида) бўлиши мумкин.

Амнистия қўлланилиши лозим бўлган шахслар тоифаси ҳар бир ҳолатда амнистия актининг ўзида кўрсатилади ва умумий қонунда бўйича ушбу ҳужжат эълон қилинганга қадар содир этилган жиноятга нисбатан татбиқ этилади.

Амнистия давлат ҳокимиятининг Олий органи ёки давлат бошлиғи томонидан чиқарилади.

Авф - маҳкуми жазодан озод қилиш ёки суд томонидан белгиланган жазони бирмунча енгилроғи билан алмаштиришдир.

Авф, шунингдек, аввал жазони ўтаб қайтган шахслардан судланганликни олиб ташлашни, жиноят содир этган шахсларни кечиришни кўзда туттади.



Мен 1999 йил январ ойида нафақа учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаган эдим, лекин сиз нафақа олувчилар тоифасига тўғри келмайсиз, дейишди.

Ҳозирда ҳеч қаерда ишлаётганим йўқ. Чунки бизлар яшаётган жойида иш топшиш - икна билан қудуқ қазийдай гап. У бу иш билан тирикчилик қилиб турибман-у, аммо бу ҳам етмайпти.

Мен нафақа олиш ҳуқуқига эга-манми? Ушбу нафақа ўзи кимларга тўланиши керак?

А.Норов,  
Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада муқойиштириш тўғрисида»ги 1996 йил 10 декабрь кунги Фармонида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган. Нафақа уни олишга муҳтож бўлган оилаларга тўланади. У:

- болаликка ва ҳомийликка олинган 16 ёшгача болалари бўлган;
- ногирон чақалоқли (бола) оилалар;

- ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланадиган оилалар;

- боланинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар;

- ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз, меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилаларга тайинланади ва тўланади.

**«Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикр ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир».**

**Ўзбекистон Республикасининг  
Оммавий ахборот воситалари  
тўғрисида»ги Қонунининг  
3-моддаси).**



Жиноят ва жазо



Зокир ХУДОЙБЕРДИЕВ Тошкент шаҳар прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси. 1990 йилда Украина Республикасининг Харьков юридик институтини битирган. Иш фаолиятини Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман прокуратурасида бошлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

аён бўлган кўркүв гўё раҳмларини келтиргандек бўлди. Аммо, «меҳмон»лар сир бергиси келмади. Сўнг мақсадга ўтиб қўя қолишди. «Агар 10000 АҚШ долларини берсангиз, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолади. Ҳеч кимга билдирмай қўяверамиз. Ўнгиғиз жазодан қутулиб қолади», деди уларнинг бири вазиятни юмшатган ҳолда.

«10000 доллар озгина маблағми? Бунча пулни қаердан оламан. Агар - «йўқ, бермайман» - десам, Рустамни олиб кетишади. Рустамнинг айби бўлмаган тақдирда ҳам унинг гуноҳсиз эканлигини исботлаш

Ҳайф сиздайларга

КИМНИ АЛДАМОҚЧИ БЎЛДИНГИЗ?

«Каптархона» фуқаролар йиғини раиси С.Усмонов қаловини топиб, қорни ҳам ёндирадиган хилдан чиқиб қолди. Унинг қилмишларини энди бутун маҳалла ахли «ҳангома» қилиб юрибди.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам бериш ҳамда нафақа тайинлаш ҳуқуқи маҳаллий бошқарув органларига - фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилганда С.Усмонов «пичоқ мой устида бўладиган бўлди», деб ичидан қувонди. Давлатнинг шунча маблағи ўз қўлидан ўтганидан кейин озгина «иззатталаб» бўлиб қолди. Таниш-билиш, ошна-ойнағарчилик, деганларидек... Ариза кўтарганлар эса унинг раъйига қараб турадиган бўлдилар...

Раис ўз хизмат ваколатидан фойдаланиб, бир қанча фуқароларга қонунга зид равишда моддий ёрдам пули тайинлаб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказганлиги аён бўлганда кўплар ёқа ушлаб қолишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан маъмур маҳалла фуқаролар йиғини томонидан олиб борилган ишлар назорат қилинганда С.Усмоновнинг қилмишлари рўй-рост очилиб қолди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Усмонов раҳбарлигидаги махсус комиссия томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пули тайинлаш борасида кўпол хатоликларга йўл қўйилган. Жорий йилнинг ўтган чорагида фуқаролардан Барди Норметовга 8910 сўм, Ёқутжон Пирназаровга 3960 сўм, Расқия Абдуллаева, Нуржон Авезова, Солия Мадримова, Давлатназир Мадримов, Замира Воисова ва Тамара Салаевалорнинг ҳар бирига 4950 сўмдан, жами 42570 сўм ноқонуний равишда моддий ёрдам тайинланиб, давлатга катта миқдорда зарар етказилган.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раисининг «ҳотамтойлиги» тўғрисида айрим шахслар қалбаки ҳужжатлар тўғрисида, моддий ёрдам пули олишган.

Хива шаҳар Махтумқули кўчаси 22-уйда яшовчи фуқаролар Гўзал Давлетова ҳамда Даврон Давлетов «Давлатмурод» фирмаси раҳбари Сапарбой Давлетов билан жиноий тил бериқтириб, фирмада ишломаса-да, «ишлади» деган сохта маълумотномани «Каптархона» маҳалла фуқаролар йиғини раисига тақдим қилганлар. Тақдим қилинган бу ҳужжатнинг аниқлигини текшириш эса раиснинг ҳаёлига ҳам келмади. Натижада бу фуқароларнинг ҳар бирига 6600 сўмдан жами 13200 сўм маблағ ноқонуний равишда тўланган.

Хива шаҳар «Янгиёб» кўчаси 14-уйда истиқомат қилаётган Мўяссар Ибрагимова ҳамда П.Қори кўчаси 5-уйда яшовчи Зулфия Отажоновалар ҳам «Мақсуд туркман» фирмаси бошлиғи Мақсуд Девонов билан ўзаро «келишиб», фирмага ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам шу ерда «ишлади» деган сохта маълумотномани «ундириб», маҳалла қўмитаси раиси С.Усмоновга тақдим қилдилар. Бу сохта ҳужжатларга «сосланган» раис эса Зулфия Отажоновани 34600 сўм, Мўяссар Ибрагимовани 15540 сўм, жами 50140 сўмни кўш қўллаб топширган.

Эндиликда ҳар иккала фирма бошлиғи ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Усмоновга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Қаловини топиб қорни ҳам ёндирган бу еустамонлар қилмишларига яраша ўз жазоларини олиши мўқаррар.

Қ.РАҲИМОВ, Хива туманлараро прокурори ўринбосари, 1-даражали ҳуқуқшунос.

КИМГА ЧОҲ ҚАЗИЯПСИЗ?..

Инсон зоти пайдо бўлибдики, унинг табиатида ҳар доим бир-бирига зид тушунчалар, бир-бирини инкор этувчи хислатлар ўзаро муттасил курашда бўлиб, бу кураш қиёматга қадар давом этади. Инсон табиатидаги бу туйғулар жаҳон миқёсидаги улкан муаммолардан тортиб, дунёнинг энг чекка жойидаги энг майда одамни ҳам бир хил кўринишда қамраб олади. Буларнинг фарқи жамият ҳоётида тутган ўрнида кўринади, ҳалос.

Бу туйғуларнинг биринчиси раҳмоний бўлиб, улар инсон қалбига яратувчининг марҳамати билан жо бўлган гўзал туйғулар мажмуи ўларок, муҳаббат, садоқат, вафо, мардлик, саҳийлик ва бошқа шу каби яхши амаллардир. Булар инсонни шарафлайди, яъни унинг Ватанга, Халққа, Инсонга қилган яхшиликларининг маънаби ҳисобланади. Иккинчиси, шайтоний хислат. Улар инсон қалбига шайтон вассасоси билан кирдири. Номланиши эса олдингиларнинг тамоман тескариси, нофрат, хиёнат, бевафолик, номардлик, хасислик ва шу кабилар бўлиб, инсонга доимо ранж-алам ва чексиз қулфатлар келтирилади.

Ана шу шайтоний туйғунинг бири бўлган хиёнат нафсининг моҳсули. Нафс одамга хиёнатни сийму зарлар, данғиллама уйлор, чиройли машиналар суратида кўрсатади. Уларни кўп-кўп йиғишга ундайди. Одам уллардан олгани сайин яна олгиси келаверади, оловеради.

Безин нафсини тўйдиролмайди. Нафс инсон ичигади илон. Шунинг учун, Юнус Эмро «Ўлдир, ичингдаги илонни ўлдир» деб нафсини ўлдиршига чакирган. Агар инсон нафсини жиловлан олмаса, яъни нафсини ўлдиролмаса, у улканлашиб, аждаҳога айланади. Энг ёмони, у ўзи ичига кириб олган инсоннинг имонини ейди. Натижада инсон имонидан ажраллиб, ажабтовур еб тўймас маҳлуққа айланади.

Касбга хиёнат жамиятда кўпроқ амалдорлар орасида учрайди. Биз уни маданиятқоқ қилиб, юмшоқроқ торзда мансабини суистеъмол қилди, деб айтамыз. Эл орасида бўзсан «фалончи порохўр эди, кўл-оёғи ишламай қолибди ёки фалончи бузук ишлар билан шугулланарди, касофати болосига уриб, нобуд қилди», деган гаплар қулоққа чалинади.

1999 йил 2 апрел куни Тошкент шаҳрида ана шундай хиёнаткорлардан иккитаси - 1976 йил Тошкент шаҳрида туғилган Исроил Қосимов ва 1972 йил Қибрай туманида туғилган Баҳром Раимжоновларнинг жиноий иши очик суд мажлисида қўриб чиқилди.

Ички ишлар вазирлигига қарашли тизимда тузуккина ишлаб юрган бу йигитлар бирданига бойиб кетишни истаб қолишди. Бунинг учун эса давлат ишонли топширган милиция формаси ва эгаллаб турган вазифаларидан пул топиш йўлида фойдалан-моқчи бўлдилар. Ўлжа учун Сирғали тумани Сирғали 2-даҳаси 19-уй 30 - хонадон танланди. Бу хонадонда Фарида Мурсаева фарзандлари билан истиқомат қилди. Улар бу хонадонга 1998-йил 5 октябр куни соат 21 лар атрофида уч нафар ҳамроҳи билан ташриф бурюишади. Қутилмаган «меҳ-мон»нинг важохатини қўриб, саросимага тушган уй эгалари нима гаплигини сўраб улгур-масданоқ, Фарида опага қараб:

- Бизлар ички ишлар бўлими ходимларимиз. Ўнгиғиз Рустам 1998 йил 1 август куни Зангиота тумани, Хонобод қишлоғида автоҳалокат жиноятини содир қилгани оқибатида бир киши вофот этган. Биз уни ички ишлар бўлимига олиб кетамиз, - деб Рустамнинг қўлига кишан солиб, олиб кетмоқчи бўлишди. Аммо, унинг онаси Ф.Мурсаеванинг қаршилигидан сўнг Рустамни олиб кета олишмоди. Онанинг юзидаги изтироб ва Рустамда

учун қанча вақт керак. Унганча ИИБда унинг оҳволи нима кечади. Умуман, булар ҳозир уни олиб кетишса тўғри бўлимга олиб борадими, ёки?.. Бу ёғи ҳам қоронгу. Бир панароқ жойга олиб бориб, тўртовлон ур-қалтак қилишсачи? Нима қилиб бўлса ҳам Рустамни олиб қолиш керак. Кейинчалик худонинг ўзи йўл кўрсатар». Уша дамда Фарида опанинг ҳаёлидан шу гаплар кечди.

- Майли, айтганларингни топиб берамиз. Лекин кеча ҳам уч нафар йигит келиб шу важни айтишди, улар ҳам шу миқдорда пул талаб қилишди. Ўйда 250000 сўм пулимиз бор эди, ҳаммасини бердик, - деди Фарида опа мажолсизлик билан.

- Ҳа, улар ўзимизнинг «нарқошалар», пулни тайёрлаб қўяверинг, - деб жавоб қилди Исроил Қосимов чиқиб кета туриб.

- Мўлжал нишонга аниқ тегди. Бечоралар кўрққонидан дарров рози бўлиб қўя қолишди, кўпроқ айтса ҳам бўлаверар экан. Ҳечқиси йўқ, кейинги гал борганимизда қўшамиз, яна деб маслаҳатлашиб олишди «Ички ишлар ходимлари».

Улар кейинги гал боришганда худди расман ишлаётгандек Рустамнинг қаердалигини сўрашди, тушунтириш хати ёздирди олиб, пулнинг тайёр бўлганини телефон орқали айтишди, деб телефон рақамини ёзиб олишди.

Эртасига Қосимов телефонда пул тайёри, - деган саволига «йўқ» жавобини олғач,

- Опа, қизингиз бор экан, ўйламайсизми? - деб пўлиса қилди. Ўзи шундоқ ҳам тўлиб турган Фарида опа:

- Агар қизимга бир гап бўлса, ҳаммангни ўлдирман, - деб телефон гўшагини газаб билан қўйиб қўйди. Фарида опани энди яна ҳам қаттиқроқ ғам босди. Булар бир қароқчи бўлса эканки, органга хабар қилса. Ўзлари «орғонданмиз» деб келиб туришибди. Нима қилиш керак?

Пулни топа олмаслиги ҳам аниқ бўлиб қолди. Товламачилар эса пул сўрашни қанда қилишма-япти. Буниси етмагандай, қизини ҳам қўшиб кўрқитишга ўтишди. Милицияга хабар қилсинми, милиция устидан милицияга... қизик, «қарға қарганинг кўзини чўқмайди». Уларнинг орасида ҳам адолатчилари бордир охир. Бошқа илож ҳам йўқ. Ўйлай-ўйлай охири шаҳар ИИББга келди. Шу кун Фарида опанинг «орган»чилордон олинган фурсатнинг охири куни эди. Фарида опа ўтган ўн кун давомидаги саргушоқларини ИИББдагиларга батафсил айтиб берди. Дарҳол тезкор гуруҳ тузилиб, товламачилар жиноят устида далиллар ва гувоҳлар билан қўлга олинди. Қўлга олиш пайтида улар қаттиқ қаршилиқ кўрсатишга уринишди. Уларнинг бошқа жиноий шеркларини воқеа жойидан қочиб, яширишига улгурган. Кейинчалик уларнинг яна бири қўлга олинди.

Қолганларининг шахси аниқла-ниб, қидирув эълон қилинмоқда. Судланувчилар И.Қосимов ва Б.Раимжоновлар судда айб-орли далиллар, гувоҳлар билан исботланиб турган бўлса-да, терговнинг дастлабки даврида берган кўрсатмаларини инкор қилишга ҳаракат қилдилар. Қўл-оран бошқа ишлари етмагандек, яна терговчиларга тўхмат ҳам қилдилар. Исроил Қосимов мол-мулки давлат фойдасига мусо-дара қилиниб, 16 йилга, Раимжонов Баҳромнинг ҳам мол-мулки давлат фойдасига мусо-дара қилиниб, 14 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Булар бировини «камаймиз» деб кўрқитишган эди. Қамоққа ўзлари тушдилар. Бировнинг мол-мулкини «тортиб оламиз» деб ҳаракат қилиб эдилар, ўзлари мол-мулкидан жудо бўлишди.

